



*ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИНИНГ
ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ –АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ*

МАТЕРИАЛЛАРИ

2019 йил 17-18 май




Термиз шаҳри



**ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ - АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
МАТЕРИАЛЛАРИ
2019 йил 17-18 май**



Термиз - 2019

qiladi. Adabiyotshunos Qozoqboy Yo'ldoshev qayt qilganidek: "Olamni yangicha etish samarasi bo'lishi hozirgi o'zbek she'riyatida turg'unlik emas, doimiy o'zgarish an'anaga aylandi. Ya'ni o'zgarishlarning tinimsizligi an'anasi paydo bo'ldi, bu takrorlamalikning takrorlanishi qaror topdi va bugunga kelib har bitta chinakam she'riyat nafaqat bironi, hatto o'zini ham qaytarmaslikka harakat qilayotir. Bu holat bugun she'riyatning yetakchi belgisiga aylandi" (2, 315-b).

Darhaqiqat, she'riyatdagi tasvir an'anaviylikdan noan'anaviylik sari qash tashladi. Fikr va ruhning yangilanishi estetek qarashlarning ham tozarishiga olib keladi. Bu esa inson didi va qarashlarining mahsuli sifatida yuzaga chiqdi.

Yo osmonning ustida yasha,

Yo yashagin ostida yerning.

O'rtasiga tushib o'tirma –

Yer va osmonning, - deb yozadi X. Rustamova

Bu o'rinda ham shoira qalbini titratayotgan narsa ham tirikchilik, murakkabliklarini, zahmatlarini tatish, "yer va osmon" ning o'rtasiga tushib qash hayotiy qiyinchiliklargina emas, ramziy ma'no mavjudligini anglashga intilamiz. Bu ruhiyatidagi o'ziga xos xususiyatlarga mantiqiy urg'u beradi. "Yashagin ostida yerning - deya ko'pchilikning butun murakkabliklarini chizishga intiladi. Obrazli tashbehat yetakchilik qiladi. Yoki;

Aslida yo'llar ko'p –

Eshiklar ochiq,

Xoh peshin bo'lsin-u va yo ertalab.

Men hamon kingadir achchiqma-achchiq,

Dunyoga boraman teskari qarab,

Odamlar qaygadir borishar shoshib,

Ertangi kunlarga qo'ygani qadam,

Men esa hovliqib, tog'lardan oshib –

Kechagi kunlarga ketgan bo'laman.

Shoira she'riyatining o'ziga xosligi bu misralarda yanada yorqinroq namoyon bo'ladi. Misralar tarkibidagi Yo'l, Eshik, Dunyo, Kun, Tog' kabi poetik obrazlar o'ziga xos tashbehona ifodalaganini kuzatamiz. Shu o'rinda iste'dodli shoirlardan biri A. Xudoyberdining quyidagi misralariga hamohangdek taassurot uyg'otadi.

Men olamdan o'tmadim, balki olam,

Mendan o'tdi. Endi mening zuvalam

Buyuk kulol ilkidadir, xohlasa,

Ko'za yasar, xohlasa yana odam

E'tibor beradigan bo'lsak, "Men olamdan o'tmadim, balki olam mendan o'tdi" ya'ni hayotiy o'limni yenga olgan lirik qahramon jonlanadi ko'z o'ngimizda.

Shoira X.Rustamovadagi "Kechagi kunlarga ketgan bo'laman"- degan she'rdagi voqelik hayot haqiqatiga mutlaqo teskari shaklda tasvirlangan. Axir, ertaga kunga borish mumkindir, ammo kechagi kunga, o'tgan biror daqiqaga qaytish mantiqsizdir. Lekin shoiraning o'ziga xos tasvir usuli, xuddi ma'nosizdek tuyulgan tushuncha yuksak ma'no ifodalaydi. Ko'rinadiki, shoir shaxsiyati yuqoridagi misralarda ham go'zal tashbehat orqali tasvirlanadi.

Adabiyotlar:

1. Izzat Sulton. Adabiyot nazaryasi. –T., "O'qituvchi", 2005.
2. Q. Yo'ldoshev. Yoniq so'z. – Toshkent, "Yangi asr avlodi", 2006.

ФИТРАТ ИЖОДИДА ВАТАН ВА МИЛЛАТ ҚИСМАТИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Севинчой ЁҚУБОВА,
ТошДўТАУ Магистранти

Абдурауф Фитрат (1886-1938) – шоир сифатида форсча-тожикча шеърлардан ташқари булган "Сайха" ("Чорлов", 1911) номли китобини нашр килдирган. Ўз шеърларида ўзбек тилида ҳам унинг йигирмага яқин шеърлари, сочма – мансуралари, таркибидан "Сайха" номли ихчам достони чоп этилган. Шоирнинг "Юрт кайғуси" туркуми, "Юрт кайғуси сени?", "Бир оз кул", "Аччиғланма деган эдинг", "Миррих юлдузига", "Шарк", "Ишқимнинг тарихи", "Яна ёндим", "Нега бўйла?", "Шоир", "Шоирнинг сағанасини изладим", "Парча", "Ўгут", "Шарк" каби ватанпарварлик, ватанпарварлик руҳидаги даъваткор руҳдаги миллий шеърлари "Хуррият" газетаси ва "Ўзбек ёш шоирлари" (1922) тўпламидан ўрин олган. Бу шеърлар мажмуага кирмаган, аммо руҳан юкоридаги асарларига жуда яқин бўлган "Юрт кайғуси", "Қор", "Менинг кечам" шеърлари эса, Фитрат "Танланган шеърлар"нинг биринчи жилдига киритилган [1.31-45]. Улар яхлит холда кузатилса, Фитратнинг етук шоир эканига иқрор бўламиз. Биз мақола ҳажмидан келиб чиқиб, Фитратнинг "Хуррият" газетаси 1917 йилги сонларида чоп этилган "Юрт кайғуси" шеърлари мансураларини кузатиш билан чекланамиз.

Маълумки, мансур – арабча сўз бўлиб, сочилган, тарқок яъни наср холига айланган, деган маънони англатади. Бизнингча, Фитрат ўз лирик шеърларини сочма бадиий нутқ шаклида ифодалар экан, насрий шеърда оний шеърларни таъсирлангани учун уларни мансура деб номлаган. Зотан, насрий шеърнинг маълум хусусиятлари: *муаллиф нутқи ҳис-туйғуга бой, маълум ритмик қўшимчага мос, ўзига хос интонацияга эга, эмоционал бўёқлар устувор, пауза кўп, сўзларда сўз, бир ёки бир неча гапга тенг келиши, сўзлар ёки гап кўпинча сўроқ ва жавоб оҳангига эга бўлиши* сингари жиҳатларда намоён бўлади. Шунинг учун насрий шеър баъзан лирик наср деб юритилади. Ўзбек адабиётида Фитрат бошлаб келган бу анъана Чўлпон, Ойбек, Усмон Носир, Миртемир ижодида кенгайиб, кенгайиб давом килдирилди. Кейинчалик И.Ғафуров шу йўсиндаги ижод мансураларини мансуралар деб номлади.

Мақолага кенгрок планда қаралса, Хитой миллий адабиёти асосчиси Лу Шунинг "Ёввойи ўтлар" (1927), швед шоири Артур Нильсинг "Оқар сувда қўнларнинг" (1978) каби шеърӣ тўпламлари ҳам лирик насрнинг гўзал мансуралари экани ойдинлашади. Демак, мансура ижтимоий давр муаммоларини ифодалашга қулай шакл ва дунё адабиётига хос жанрдир.

Агар эътибор берилса, А.Қодирӣ, Чўлпон ва Ойбек романлари яшовчанлик билан таъсир учун улардаги лирик харорат ҳамда нафосат ёғдуларининг жилваси билан таъсирланади. Т.Мурод романларининг севиб ўқилиши ҳам, адиб услубида ритмик наср белгилари устуворлиги, жаҳон насрининг энг яхши тажрибалари миллий адабий анъаналар билан бойитилгани билан боғлиқ ходисадир. Умуман, наср ва лирик насрнинг ўзаро бир-бирига яқин шакллари мавжудлиги айни ҳақиқат. Муҳими, лирик насрда шеърӣга хос нафис туйғу ва оҳанглар устуворлик қилади. Сочма, тарқок ёки эркин шеър эса лириканинг насрга хос белгиларига эга бўлган

шакллари саналади.

Фитратнинг илк сочмаси Турон ўлкасига қарата айtilган:

“– Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!”, деган ўтли мурожаат билан бошланади (31-б.) Мансура ёзилган даврда туриб, мустамлака кишанлари остида ўз шон-ўрмишини-да унутаётган Ватан қисмати мухокама қилинади. Фитрат ҳаётида суҳбат-мулоқотда Буюк султонлар – мўғул ҳукмдори Чингизхон, Турон султони Амир Темур, қадимги турк ҳокони Ўғузхон, хун ҳокони Оттилалар учун қадри баёқлаб бешик бўлган, “урхо”лари билан дунёни титратганган улуғ Турондан бу муқаддас заминнинг қуллик чоҳига тушиб қолиш сабабларини сўрайди. Бу суҳбат муаллифнинг қалб нидоси, муайян маънода, нажот излаган кишининг илтижо муножотига ҳам менгзаб кетади.

Бинобарин, мансуранинг ўқувчи қалбига ёвуқлиги унинг руҳидги ибодат ва дуога яқинликка боғлиқ бўлса ажаб эмас. Фитрат Шарк мумтоз адабиёти ва мусикасининг чуқур билимдони сифатида муножотда нажот умиди, тавба ва илтижолар тангрига оташин мурожаат шаклида ифодасини топишини яқин биларди. Агар мумтоз адабиётда муножот кўпроқ эпик ҳамда лиро-эпик асарларнинг бош – муқаддима қисмида Аллоҳга ҳамд ва пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в)га наъздан олдин келтирилган бўлса, Фитрат бу усулга ижодий ёндашиб, бу қисмдан иборат яхлит асар яратди. Шоир муножотни мустақил асарлардан айлантаришда эпик дostonчилик ва Алишер Навоий аъёналарига эргашиб билан чеklangмай, ўзбек мумтоз чолғу куйлар туркуми бўлган муножотлар ҳам уч асосий қисм: “Муножот”, “Савти Муножот” ва “Уфари Муножот”дан таркиб топишни алоҳида эътибор қаратган. Ўз майл ва эътиқодини шу уч қисмнинг яхлит бирлиги негизда намоён қила олмаган ёхуд битганларидан тўла қоникмаган шекилли худди “Савти Муножот”дан кейин “Оромижон” номли куй улангани каби шунинг “Юрт кайғуси”нинг тўртинчи – шеърий қисмини ҳам ижод қилган.

Фитрат муножотининг ўзига хос жиҳати лирик қаҳрамон мурожаати тўғрисида тўғри Аллоҳга эмас, унинг суяукли бандаларига қаратилганида ҳам намоён бўлади. Шунга қарамайдан, муножот қилаётган хожатманднинг сўрови ёлвориш тарзида юзага чикиб, сўнгра шиддатли тус олади. Ғоят жозибали ва бадий жиҳатдан мафтункор бу асар ижтимоий-ҳаётий моҳият касб этиб, ўз ижодкори лирик кайфиятини акс эттиради. Шоир “арслонлар ўлкаси”, “хоқонлар ўчоғи”нинг “*Тупроғини кўкларга учиратурган тоғ гавдали ўғлонлари*”, “*чақмоқ чақшили боти хоқонлари*”, “*ўқ юрушли, отли беклари*” – “*Ер юзининг бир неча полвонлари бутун ботир турклар*”ни излайди. Кураш майдонидан уларни тополмай изтироб чекади ва:

“ – Нечун... Нечун... нечун...? Гапур менга, эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси Сенга не бўлди?!” – деган ўртагувчи саволларни ўртага ташлайди. [1.31]. Демак, аждодлари улуғ салтанатлар бунёд этиб, бир пайлар Ҳиндистон, Эрон ва ҳатто Оврўпони ҳам ўз қаноти остига олган юртнинг забун аҳволга тушиб қолиш сабабларини излайди. Замин сарҳадларига тарқаб кетган саксон миллионли туркий миллатни қайтадан умидлантириш, курашга руҳлантириш ва бирдамликни даъват этиш учун “*Тангри ҳаққи*” қасамёд қилади.

“Юрт кайғуси” (Бир ўзбек тилидан) мансурасида Фитрат муқаддас Турон юртини ҳаёлий тарзда: золимлар хўрлаган, шафқатсиз яралаган мазлума хотин қўллари боғлиқ мунгли аёл, кўзлари ёшли ғамли она киёфасида тасаввур этади.

Туну кун, ўнгдаю тушда ҳаёлини банд этган ўйлардан ажралишни тиламаган лирик қаҳрамон унга:

– Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда қол, кетма.

Туроним, сендан айрилмоқ – менинг учун ўлимим.

Сенинг учун ўлмоқ – менинг тириклигимдир.

Паноҳим, саждагоҳим, Умидим!

Бу мурожаат эътидо. Жисму жонни туташтирган илтижо ва ёлворишларда қаҳрамоннинг бутун тилак-истағи, севги-мухаббати мужассам. Шу боис, ўтли сатрлар билан афоризмдай жаранглайди. Зотан, унга фидойи ўғилнинг бутун борлиғию қўли талпинишлари жо қилинган:

“ – Золимлар сени кимсасизми кўрдилар?”

Ўй, сен кимсасиз эмассан. Мана мен, бутун борлигим билан сенга қўмак қилурга ҳозир. Мана, мен чин кўнгли билан сенинг йўлингда ўлурга рози.” [1.33].

Ўтли нафратга йўғрилган бадий матн билан танишиш жараёнида курашчан қаҳрамон озодлиқ ва эрк йўлида тоғларни талкон қилиш, жаҳаннам оловларини ўчириш, шайтонлар қўшинини маҳв этиш, оёғига ёпишган илонлар, кўзига ташчилган зулм тиканларини писанд қилмай, фақат олға ва олға интилишга куч қўлида қурб топа олган, юрт ўлимини истаганларга ўлим тилаган ботир арслон қаҳрамон аён бўлади:

– Мен сенинг учун тирилдим,

Сенинг учун яшарман,

Сенинг учун ўлурман.

Эй туркликнинг муқаддас ўчоғи!

Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга,

Нафрат сени кўмгани келганларга!

“Юрт кайғуси” (Темур олдинда) мансурасида Улуғ Султон сағанаси лиригидан “*ўзбек кўзлари учун сурма олгали*” келган зиёратчи йигит юз йиллардан буён жафо чекиб яшаётган азиз элнинг муножот айтаётган вакили сифатида намоён бўлади. Унинг арз-доди: золимлар талаган турклик шарафи, Амир Темур асос қилган давлат сарҳадлари қўлдан кетиб, хоқонлик ёғийлар қўлига ўтгани билангина қанқаймайди. Лирик қаҳрамон Соҳибқирон шамшири остида дунё хўжаси бўлган турк-карлуклар эндиликда темир панжаралар исканжасида ўзига бир сокин ётоқ қилинмай қолгани, унинг номуси, эътибори, иймони ва виждони золимлар оёғи остида топталгани, улоғи ва ўчоғи қўлдан кетгани, жаҳолат уни фикр-ўйдан, шайтонликдан айириб, химматсиз, хамиятсиз қавмга айлантиргани каби ижтимоий-маънавий танг вазиятдан чиқиш йўлини излайди. Барчасига ўзини айбдор деб ҳисобиб, ўз-ўзини аёвсиз тафтиш этган қаҳрамон локайдлик туфайли омонатга қўйиб қилганидан хижолат чекади. Қилмишларига иқдор бўлади.

Бу шунчаки узурхохлик эмас, балки бағри ёник, қалби бедор кишининг олис сарҳадлар билан маънавий робитани тиклаш, Амир Темур руҳидан мадад олиб, Туроннинг олдинги шараф ва улуғлигини қайтариш мақсадида қилинган муқаддас мурожаат – улуғ қасамёд эди. Шунинг учун ҳам Фитрат:

“ – Номусини бад кишиларнинг аёғлари остида кўриб, турклик қони қанагай, мусулмонлик хамияти тошгай, тамуғ оловлари каби сочрагай”, дея даъват қилади.

Дирхакикат, Фитрат сочма – мансуралари қадим туркий аждодлар руҳидан қаҳрамоннинг қувват олиб, ўз даври ижтимоий-сиёсий жараёнларига фаол муносабат

билдирган миллатимиз вакили (кенг маънода, ярали Шарк зиёлиси) нинг дардли ўтли фиғонлари бўлиб жаранглади ва бирдамликка даъват руҳи билан ҳамон аҳамиятини сақлаб турибди.

Адабиётлар:

1. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1- жилд. Шеърлар, насрий асарлар, драмалар. Тошкент, Маънавият, 2000.
2. Қосимов Б. Излай-излай топганим. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983.
3. Болтабоев Х, Фитрат ва жадидчилик. –Т., 2007.
4. Фитрат. Чин севиш. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1997.
5. Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. – Т.: Университет, 2003.
6. Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Т.: Фан, 2006.
7. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Т.: Ўзбекистон, 2008.

МУҲАММАД АЛИНИНГ «УЛУҒ САЛТАНАТ» ТЕТРАЛОГИЯСИНИНГ БАДИИЙ-ЛИСОНИЙ ТАҲЛИЛИ ХУСУСИДА

Лобар МАРДОНОВА

Термиз ДУ Денов филиали ўқитувачиси

Бадиий таҳлилда қатъий илмий тартибга риоя этган ҳолда сўздан образдан образдан гояга қараб борилади ва таҳлилнинг барча босқичларида бадиий сўзнинг эстетик жозибаси диққат марказида туради. Таҳлил этилаётган асарни кайи жихатдан ўрганиш, тадқиқ этиш лозимлигини белгилаш унинг йўналишини таъин этади. Бадиий асар таҳлилнинг тўлақонли бўлиши, кўп жихатдан, таҳлилчи матнни қандай йўналишда текширишни аниқ билишига боғлиқдир.

Адабий асар таҳлили билан махсус шугулланган мутахассисларнинг кўрсатишларича, амалиётда бадиий таҳлил генетик, типологик, функционал-фалсафий, психологик ва филологик сингари олти йўналишда амалга оширилади. Албатта, бу ҳилдаги таснифлар жуда шартли қабул этилиши лозим. Негаки одатда бадиий таҳлил жараёнида бу йўналишлардан бири устувор ўрин тутган мумкин бўлса-да, деярли ҳеч қачон биттаси соф ҳолда қўлланилмайди. Чунки ўрганилаётган асарга ҳар жихатдан қараш зарурияти ҳамisha сақланиб юрди. Бироқ шу ўринда бир масала келиб чиқади. Тарихий асардаги қахрамон фигура ва воқеаларга доир маълумотлар нечоғлик гўзал ва муҳим негиз ҳужжатларга асосланган бўлмасин ёзувчи уларни асарга керагидан бисёр даражада олиб кирарвермаслиги бадиийлик меъёрини сақлаши зарур. Акс ҳолда ҳаётнинг тарихий ҳақиқат ҳам китобхонга буёқнинг керагидан ортик қуюқлашувидек бўлиб туяолади. Зеро гўзал чехрада ҳам буёқнинг ортик даражада ишлатилиши ҳам ижобий рол ўйнамаслиги мумкин. Демак бадиий асарда ҳаётнинг ҳақиқат билан ҳақиқатни босиб кетмаслиги керак. Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» романи юзланамиз ва бу йўналишлар доирасидаги таҳлилни кўриб чиқамиз.

Бадиий асарни генетик йўналишда таҳлил этишда асарнинг юзга келган жараёни, вариантлари, ёзилиш сабаблари тадқиқ этилиши кўзда тутилган. Йўналишдаги таҳлилда муайян асарни юзага келтирган омилларнинг кўрсатилишига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан «Улуғ салтанат» да 1405 йиллар оралиғидаги тарихий давр асос қилиб олинади.

Амир Темур ўтиши билан унинг салтанати тугамагани балки бардавом ҳолатига ва эпопеядаги модерн тарзидаги бадиий талкинлар замирида бу салтанатнинг илғор ва тараккийпарвар анъаналари ҳозирги шу кунги ҳаётимиз билан туташиб кетишига ишорадир.

Типологик йўналишда эса, асар муаллифи билан адиблар орасидаги ижодий таъсир, бадиий ворислик, асарни юзага келтирган бадиий ёки ҳаётнинг манбалар, таҳлил этилаётган асарнинг ўша даврда яратилган бошқа асарларга ўхшаш ҳамда фарқли жихатлари сингари жихатларга эътибор қаратилиши лозим. Асар ўзбек адабиёти тарихидагина эмас Амир Темур сиймоси ёритилиши жихатидан умуман аҳоли адабиётини илк бор амалга оширилди.

Функционал йўналишда амалга оширилган таҳлилда текширилаётган асарнинг ижтимоий таъсир кучига алоҳида диққат қаратилади. Унда таҳлилланаётган асарнинг муайян миллат ва инсоният маънавиятига кўрсатган таъсири текширилади. Таҳлилланаётган асарнинг миллий адабий жараёнда тутган ўрни, унинг яратилган замондаги одамлар ёки текширилаётган давр кишилари таъсирига таъсири ўрганилиши лозим. Асарда қандай ижтимоий қонуниятларни образ орқали очилганини текшириши зарур. Кейинги вақтда ўзбек адабиётшунослигида ҳам Ботиш эстетикасида ҳар доим устувор мақомга эга бўлган функционал йўналишдаги таҳлил кенг ёйилган ва бу ҳол бир қатор ижобий натижалар билан биргаликда тенденциозлик, бирёкламлик, матннинг бадиий қийматини эътибордан қочириб сингари салбий ҳолатларни ҳам келтириб қолдиради. Асарда Темурбек сиймосида намоён бўлувчи миллат Ватан ва динга бўйбонлик бунёдкорлик ҳамда марказлашган давлат қуришдан иборат максад ва қарар туриши ҳам шу ҳикояда жанр доирасида бўй кўрсатиб кейин роман эпопея шаклида кенг сатҳда ривож топади. Фалсафий йўналишда ёзувчи дунёқарашининг қонуниятлари ва таҳлил этилаётган асарда адиб эътиқодининг: олами қуриш, ҳаётнинг тушултириши ҳамда акс эттириш тарзининг намоён бўлиши текширилади. Бундай таҳлил бадиий матндан айри фалсафий мушоадалардангина иборат бўлиб қолмаслигига эътибор қилиниши керак. Чунончи, бадиий матнга қўшилган, ижодкорнинг айна ўрганилаётган асаридан келиб чиқмайдиган ҳар қандай «чуқур маъноли» хулоса таҳлил учун мутлақо аҳамият қасб этмайди ва ўрганилаётган матннинг на бадиий ва на фалсафий жихатини очиб беради. Шунинг учун Амир Темур ҳамда Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шохрух Мирзолар: Мир Сайидхоним, Мир Сайид Барақа, Муҳаммад Султон, Ҳалил Султон, Хонзода Мирзо, Гапхаршодбеғим ва бошқа ўнлаб образлар воситасида тасвирида –уларни ҳаёт ва хотира қувонч ва азоб, орзу ва армон воситасида кўрсатишда «онг оқими» ҳаётнинг унумли қўллаиди.

Психологик йўналишда адибнинг ижодкор шахс сифатидаги ўзига хослиги ва инсон психологияси, асар устида ишлаш усули, шу жараёндаги руҳий ҳолати ва асарнинг таҳлилланаётган асарда қолдирган нуқси, унинг савиясига кўрсатган таъсири қабилар ўрганилади. Бундай таҳлилий йўналишда юқорида саналган асарларнинг қай йўсинда бадиий услубга айлангани бадиий ҳақиқат шаклига таъсирини текширилади.

Жумладан Темурбекнинг Хонўғлон лақабли оти тасвирида бир тарафдан асарнинг Бойчиборига яқинлик сезилсада унда асли Чингиз Айтматовнинг «Ҳонўғлон Гулсари»сидаги инсон меҳрининг чексизлигига ишора таъсири кўпроқ сезилиб бўлади. Гап бу ерда мифологизмлардан фойдаланишдаги ўхшашликда

МУНДАРИЖА

АДАБИЁТ – ҲАЁТ ДАРСЛИГИ

I. ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН МУАММОЛАРИ	4
Ҳабибулла Жўраев. БИР МАКТУБ ТАРИХИ.....	6
Бобоназар МУРТАЗОВ. МУНЖИК ШЕЪРИЯТИНИНГ МАТНИЙ ТАҲЛИЛИГА ДОИР	6
Валижон ҚОДИРОВ, Акрамжон ВАҲОБОВ. “БОБИР”ГА ҚАЙТАЙЛИК.....	13
Саломат МАТКАРИМОВА. АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ХОРАЗМ ШОИРЛАРИ: АДАБИЙ ТАЪСИР ВА ЎЗИГА ХОСЛИК.....	16
Муҳаммадсодиқ САЙФУЛЛАЕВ. XX АСР ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА “АЛ-ИЗОҲ” ЖУРНАЛИНИНГ ТАРИХИ.....	18
Рамазон АБДУЛЛАЕВ, Каромиддин ЖАМАҲМАТОВ. ҲОЖИ МУҲАММАД ШАҲДИЙ ИЖОДИНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЁТИГА ТАЪСИРИ.....	22
Бобоназар МУРТАЗОВ, Сурайё ҚОДИРОВА. АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ.....	24
Шерхон ҚОРАЕВ. САМОЪ ЙИГИНЛАРИ ВА АЛИШЕР НАВОИЙ.....	30
Абдимурод АРСЛОНОВ. “ХАМСА” ДОСТОНЛАРИ АСОСИДА ЯРАТИЛГАН ИЛК НАСРИЙ ҚИССАЛАР.....	33
Зебо САИДЖАНОВА. АДАБИЙ МУҲИТ ВА СЎФИ ИЖОДИ.....	36
Шаҳноза НОРҚУЛОВА. ГАДОЙИ ҲАЗАЛЛАРИДА ҚОШ ВА КЎЗ ТИМСОЛИ.....	39
Дилафрўз МУҚИМОВА. МУНЖИК ТЕРМИЗИЙ.....	41
Hilola ESHKUZIYEVA. NAVOIY IJODI – MA'NAVIY XAZINA.....	44
Асрор САМИЕВ, Сурайё САМИЕВА. АБУ ИСО МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙНИНГ ҲАДИС ИЛМИ РИВОЖИДАГИ ХИЗМАТЛАРИ.....	47
Наргиза АДАМБАЕВА. РУССКО-ХОРЕЗМСКИЕ КУЛЬТУРНЫЕ СВЯЗИ НАЧАЛО XX ВЕКА.....	50
Бобур МУРТАЗОВ. ЛУТФИЙ ҲАЗАЛЛАРИДА КУЙ НОМЛАРИ.....	53
Munavvar HAMIDOVA. LAYLI VA MAJNUN TMSOLLARI TALQINLARIGA DOIR.....	55
Нодира ИБРАГИМОВА. НАВОИЙ ИЖОДИДА “КАШФ” СЎЗИ ТАЛҚИНИ.....	59
Rustam RAHMONOV. TASAVVUF TA'LIMOTI VA ADABIYOTI HAQIDA TUSHUNCHALAR 61	
II. XX АСР ВА ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТДА ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН МАСАЛАЛАРИ. 63	
Иброҳим ҲАҚҚУЛ. ШОИР НАФАСИ – ЎЧМАС НАФАСОИшба! Закладка не определена.	
Раҳматулла БАРАКАЕВ. ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҲАРАКАТИ ВА ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ.....	69
Улугбек ҲАМДАМОВ. ЖАҲОН АДАБИЁТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ.....	75
Узоқ Жўрақулов. “ЎТКАН КУНЛАР”ДАГИ МАКТУБЛАР ҲАҚИДА.....	82
Манзура Жўраева. ШАҲС ҚИСМАТИНИНГ БАДИИЙ ИДРОКИ.....	86
Тозагул МАТЁҚУБОВА. Ғ.ҒУЛОМ ШЕЪРИЯТИДА ИШҚ ВА ҚЎШИҚ ТУШУНЧАЛАРИ ТАСВИРИ.....	90
Муҳайё ҲАМРАЕВА. ТЎЛҚИН ҲАЙИТ ИЖОДИДА ТАРИХИЙ ШАҲСЛАР СИЙМОСИ... 94	

Нигора АШУРОВА. ЭРКИН АЪЗАМ ИЖОДИДА КИНОЯВИЙ ТАСВИР ИМКОНИЯТЛАРИ	100
Нормат ЙЎЛДОШЕВ, Сурайё ҚОДИРОВА. ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИДА АНЪАНАВИЙ ТИМСОЛЛАР ТАЛҚИНИ.....	104
Обид ШОФИЕВ. КИНОЯ ВА УНИНГ БАДИИЙ КЎРИНИШЛАРИ.....	108
Nurmuhammad AZIZOV. “MING BIR QIYOFA” ROMANIDA DAVR VA INSON TAQDIRI MASALASI.....	110
Дилшод ХУРСАНОВ. ХУРШИД ДАВРОН ШЕЪРИЯТИДА БАДИИЙ ВАҚТ ТАЛҚИНИ.....	112
Шокир САТТОРОВ. МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРИЯТИНИНГ ПОЭТИК ХУСУСИЯТИГА ДОИР.....	115
Махфират ҚУРБОналиева. ЖАЪФАР МУҲАММАД ТЕРМИЗИЙ ИЖОДИДА ИШҚ-МУҲАББАТ ТАРАННУМИ.....	117
Nodira QOBULOVA. ERKIN A'ZAM NASRIDA DAVR VA INSON KONSEPSIYASI.....	120
Баҳром НОРМУРОДОВ. ЧАНҚОВУЗ — ОНА ТИЛГА ТИМСОЛ БЎЛГАН.....	123
Иброҳим ҲАСАНОВ, Шермуҳаммад ЭРНАЗАРОВ. ҲОФИЗ ВА ШОИР ҲАМКОРЛИГИНИ	123
Аҳмад РАҲМАТУЛЛАЕВ, Ўразхон НАЗАРОВА. АЁЛ ҚАЛБИ.....	127
Фахриддин РАЖАБОВ. НУРОТАЛИК ЗИЁКОР ИЖОДКОР.....	130
Рухия ШАЙМАНОВА. ОДИЛ ЁҚУБОВ ИЖОДИДА ЕШИЛАР ОБРАЗИ.....	132
Hilola XUDOYMURODOVA. RAUF PARFI IJODIDA DAVR, QIYOF VA SHE'RIYAT MUNOSABATLARI.....	134
Zamira KAVULOVA. SHE'RIYATDAGI POETIK O'ZGARISHLAR HAQIDA.....	138
Севинчой ЁҚУБОВА. ФИТРАТ ИЖОДИДА БАҲАН ВА МИЛЛАТ ҚИСМАТИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ.....	139
Лобар МАРДОНОВА. МУҲАММАД АЛНИНГ КУЙҒУ САТНАТИ ТЕТРАЛОГИЯСИНИНГ БАДИИЙ-ЛИСОНИЙ ТАҲЛИЛИ ХУСУСИДА.....	142
Юлдуз ХАЙТОВА, Отабек МЕНГАЛНОВ, ШУКУР ХОЛИМҲАЕВ ҚИССАЛАРИДА ТАБИАТ ТАСВИРИ.....	144
Парвина АШУРОВА. ЎЗБЕК ҲИКОЯЧИЛИГИДА ИНСОН РУҲИЯТИ ТАЛҚИНИ.....	146
Natida NAZAROVA. “MUNGLI KO'ZLAR” DA BOLALAR ICHKI DUNYOSI.....	148
Feruza HAFIZOVA. “JAJMAN” NIKOYASIDA RAMZIYLIK.....	150
Shahnoza XO'JAMURODOVA. CHO'L PON SHE'RIYATIGA BIR NAZAR.....	152
Mohimur ABDIYEVA. USMON AZIM SHE'RIYATIDA SAN'ATNING BADIY KONSEPSIYASI	
154 Gulandon HOSHIMOVA. O'TKIR HOSHIMOV NIKOYALARIDA OILA MUNOSABATLARINING IFODALANISHI.....	157
Рушана ЗАРИПОВА. НОДИР НОРМАТОВ ҲИКОЯЛАРИДА САМИМИЙ ТУЙГУЛАР ТАСВИРИ.....	159
Xushnoza XABIBULLAYEVA. O'TKIR HOSHIMOV NIKOYALARIDA OTALAR VA BOLALAR MUAMMOSI.....	161
III. ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ	164
Дармоноӣ ЎРАЕВА. ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ СТРУКТУРАЛ.....	164